



ORGANIZATIONAL BASIS OF LEASING ACTIVITIES IN AGRICULTURE ON THE BASIS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP

Utegenov Quanishbay Djadigerovich¹, Toreshov Maxmud Kenesbay Uli²

¹ Tashkent State Agrarian University, Nukus branch, ² Master of Karakalpak State University named after Berdakh

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4898064>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021
Accepted: 25th May 2021
Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Digitalization, agriculture, public private partnership, information infrastructure, digital platforms.

ABSTRACT

As a result of the research, promising areas and forms of public-private partnership in the field of digitalization of agricultural production were identified.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ЛИЗИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Утегенов Қуанишбай Джадигерович¹, Торешов Махмуд Кенесбай Улы²

¹ Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали, ² Бердах атындагы Каракалпак Мамлекетлик Университети магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021
Ma'qullandi: 25-May 2021
Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Рақамлаштириши, қишлоқ хўжалиги, давлат-хусусий шериклик, ахборот инфраструктураси, рақамли платформалар.

Қишлоқ хўжалигида машина-трактор паркларини янгилаш муаммосини ҳал этишнинг самарали йўлларида бири лизинг механизмидан фойдаланиш ҳисобланади. Аммо, қишлоқ хўжалиги соҳасида бундай механизмдан фойдаланиш қатор қийинчиликлар билан боғлиқ, улар ишлаб чиқариш воситаларига тўлов қобилиятли талабнинг пастлиги ҳамда қишлоқ хўжалигида лизинг фаолиятини ривожлантириш учун

ANNOTATSIYA

Мақолада ўтказилган тадқиқотлар натижасида агросаноат ишлаб чиқаришини рақамлаштириши соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг истиқболли йўналишлари ва шакллари аниқланган.

ажратилаётган давлат ресурсларининг чекланганлигидан иборат.

Мавжуд ҳолатда давлат сиёсати томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун хусусий сектор салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) иқтисодиётга инвестиция жалб этишга, давлат тасарруфидаги мол-



мулкдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, мавжуд инфратузилмани модернизациялашга имкон беради.

Фаол ривожланаётган мамлакатимиз иқтисодиётида ижтимоий эҳтиёжлар ўсиши билан бюджетдан молиялаштириш имкониятларининг ўсиб бораётган етишмовчилиги сезилмоқда. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида зарур ресурсларни жалб этишнинг тўлиқ имконияти бўлади, ваҳоланки шундай қишлоқ хўжалигидай таваккалчилик тармоқда давлат томонидан қўшимча кафолатлар хусусий секторга ўзининг инвестиция рискларини пасайтиришга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигида хусусий секторнинг ўзига хос афзалликларига асосланган давлат-хусусий шерикчилиги механизмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мамлакатимизда давлат ва бизнес ўзаро алоқаларининг самарали институтларини ривожлантириш самарали иқтисодий сиёсатни шакллантириш, инвестициявий ва инновацион фаолликни ошириш, мамлакат рақобатбардошлигини ўстириш ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришнинг муҳим шарт-шароитлари бўлади.

Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилигидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ва хусусан ДХШ қуйидагиларга имкон беради:

- давлат хизматлари ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга имкон беради, чунки ҳозирги иқтисодиёт шароитида ҳар қандай лойиҳани амалга ошириш унинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигига асосланган. Рақобатбардошлик ва хизматлар сифати, истъомолчилар қониқиши бизнес учун лойиҳани

муваффақиятли амалга оширишнинг гарови ҳисобланади;

- йирик инвестиция (инфраструктура) лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради, чунки кўпчилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари мавжуд молиявий ҳолатидан келиб чиқиб уларни турли хил сабабларга кўра амалга ошира олмайди: лойиҳани молиялаштириш манбаларининг чекланганлиги, бошқарув кадрлари компетенцияси етишмовчилиги, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мавжуд эмаслиги ва бошқалар, бунда улар зарур салоҳиятга – масалан, ер ва меҳнат ресурсларига эга бўлиши мумкин. Бундай лойиҳада хусусий инвесторнинг иштирок этиши санаб ўтилган чекловларни олиб ташлаши ва корхона тасарруфидаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни кўпайтириши мумкин;

- инфраструктура объектларидан самарали фойдаланишга ва модернизациялашга имкон беради. Ҳозирги вақтда шаҳарларда ва қишлоқ ҳудудларида инфраструктура объектлари эскирмоқда, ваҳоланки қишлоқ хўжалиги учун ушбу омил муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун илғор технологияларга асосланган улардан самарали фойдаланиш нафақат ушбу объектларни сақлашга имкон беради, балки ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, йўқотишларни пасайтириш ва ҳ.к.лар ҳисобига кўрсатиладиган хизматлар таннархини пасайтиради;

- лойиҳавий молиялаштиришнинг новаторлик шакллари ривожлантиришга имкон беради. ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги лойиҳани амалга оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Хусусий компаниялар бошидан эга бўлган



имкониятлардан ташқари давлат имкониятлари ҳаминвестор, кафил, фискал юкломани тартибга солувчи сифатида қўшилиши мумкин. Ҳозирги вақтда турли хил тармоқларда бизнесни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг ҳар хил дастурлари амал қилмоқда. Аграр секторда унга Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган тадбирларни киритиш мумкин.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилигини қўллаш зарурати ДХШ механизмига қўйилган давлат шериги сифатида хусусий сектор афзалликларидан фойдаланадиган ва шундай шерикликдан ҳар бир иштирокчи учун сезиларли фойда олишга имкон берадиган имкониятлардан келиб чиқади.

1.1-жадвал.

Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги йўналишлари

Қўллаш соҳаси	Натижа
Инфраструктуравий чекловларни бекор қилиш	Қишлоқ ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни таъминловчи транспорт инфраструктурасини ривожлантириш Янги энерготармоқларни, алоқа линияларини ва ҳ.к.ларни қуриш ва эскиларини реконструкция қилиш, ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш Суғориш тизимларини қуриш ва эксплуатация қилиш ва ҳ.к.
Қишлоқда инфраструктура билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳал этиш.	Концессия шартномалари асосида уй-жой, шифохона, мактаб, болалар боғчаси қуриш
Республика ва ҳудудлар даражасида юқори ижтимоий аҳамиятга эга йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш	Қайта ишлаш заводларини, чорвачилик фермаларини қуриш ва реконструкция қилиш ва ҳ.к.
Қишлоқ хўжалигида молиявий инфраструктурани ривожлантириш	Қарзга молиялаштиришни, шу жумладан лизингни соддалаштириш.

Тушуниш лозимки, давлат-хусусий шерикчилиги ижтимоий жавобгарликли бизнеснинг “фахрий вазифа”си

1.1-жадвалда қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги механизмини қўллаш йўналишлари келтирилган.

Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги элементлари миллий лойиҳаларда ва давлат дастурларида ривожланишни бошлади. Келажакда бизнес қишлоқда ижтимоий инфраструктурани яратишга янада фаол жалб этилади. Масалан, хусусий ташкилотлар шифохона, болалар боғчаси, спорт объектлари қурилишини инвестициялаши мумкин, маҳаллий ҳокимиятлар эса бу объектлардан нимага мўлжалланганлигига қараб ижара шартларида, кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан фойдаланади.

ҳисобланмайди. Бизнес кўнгилли равишда ҳокимият билан шерикчилик қилади ва шериклик бутун муддати давомида бизнес



бўлиб қолиши лозим. Бу менежерлар ва инвесторлар кўнгилли равишда ҳокимият билан шерикчилик шартномасини тузиб, ўз бошқарув кўникмаларидан ва сарфланган инвестицияларидан даромад олишдан манфаатдорлигини билдиради. Таъкидлаш лозимки, риск ва хавф-хатарлардан айримлари халқ ҳокимияти қарорлари ва ҳаракатларига, яъни, уларнинг қанчалик даражада ўз мажбуриятларига риоя этмаслигига мойиллигига тўғридан тўғри боғлиқ.

Шундай қилиб, шерикчилик яратиш схемаси юзага чиқарилган рискларни бир текис тақсимлашга асосланади ва уларнинг маълум қисмини хусусий операторга ўтказишга имкон беради. Конкрет шартномани амалга ошириш доирасида давлат нафақат хусусий инвестицияларни жалб қилади ва бюджетга юклamani пасайтиради, балки ўз рискларини ҳам сезиларли қисқартириши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида хусусий инвестициялар фаоллигига билвосита таъсир этувчи ва ҳозирги хўжалик юритиш шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасида лизинг муносабатларини ривожлантиришни аниқловчи омиллар юзага чиқарилди, таъсир даражаси бўйича омилларни тизимлаштириш таклиф этилган: аграр сектор корхоналарини ривожлантириш хусусиятлари билан боғлиқ корхона даражасидаги ички омиллар ва қишлоқ хўжалигига нисбатан ўтказилаётган иқтисодий сиёсат билан боғлиқ давлат даражасидаги омиллар ва бутун жаҳон иқтисодиёти билан боғлиқ ташқи омиллар.

Ўзбекистонда замонавий қишлоқ хўжалиги ҳозирги ривожланиш босқичида машина-трактор паркиннинг ҳам миқдорий ҳам сифат жиҳатдан паст жиҳозланганлиги билан характерланади. “Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 146 минг 295 та қишлоқ

хўжалиги техникасининг 38 фоизи аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, яъни бутунлай эскирган. Айниқса, мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар боғ ва тоқзорларга ишлов бериш, сабзавот экиш, парваришлаш ва йиғиб олишга мўлжалланган техникалар билан бор-йўғи 34 фоиз таъминланган, холос. Бу меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида қишлоқ хўжалигида лизинг муносабатларини ривожлантириш учун имкониятларни юзага чиқариш лозим. Шундай имкониятларга аграр сектор корхоналарини ривожлантириш билан боғлиқ микродаражадаги ички омилларни ҳам, макродаражада, яъни қишлоқ хўжалигига нисбатан ўтказилаётган иқтисодий сиёсат билан боғлиқ омилларни ҳам, бутун жаҳон иқтисодиётидаги жараёнларга боғлиқ ташқи омилларни ҳам киритиш мумкин. Барча омиллар қуйида келтирилган 1.2-жадвалда умумлаштирилган.

Жаҳон даражасида қишлоқ хўжалигида лизингни ривожлантириш учун биринчи навбатдаги имкониятлар жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари билан боғлиқ. Биринчи навбатда бу банкларнинг қарздорларга нисбатан талабларининг ошиши, у эса потенциал миқдорларнинг лизинг компанияларига ўтишига имкон беради. Бошқалари эса сўм курсини дунёнинг етакчи валюталарига нисбатан дивальвацияси ҳисобланади, бу мамлакатимиз маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқишига йўл очиб берди. Бундан ташқари пахта хом ашёси давлат харид нархининг оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қўшимча фойда олиш имконияти пайдо бўлди. Агар қишлоқ



хўжалиги корхоналари ишлаб пасайтириш ҳисобига камайтирилса яна
 чиқараётган маҳсулотлар таннархини бир ижобий ҳолат бўлар эди.
 ЁММ ва минерал ўғитлар баҳосини
 1.2-жадвал.

Қишлоқ хўжалигида лизинг муносабатларини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар

Омиллар	Моҳияти
Корхона даражасида	- асосий капиталга инвестициялар эҳтиёжи юқорилиги - қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ўз ресурслари етишмаслиги
Давлат (миллий) даражасида	- лизинг тармоғининг ривожланиш даражаси - давлатнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга ва қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган ҳаракатлар стратегияси
Жаҳон даражасида	- банк кредитларини бериш шартларига талабчанликни ошириш - маҳсулот таннархини пасайтириш, хусусан, ЁММ, минерал ўғитлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш - жаҳон озиқ-овқат бозорида қулай конъюнктура

Шуларни эътиборга олиб, ривожланишнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан замонавий техника ва технологиялар билан қуролланишга боғлиқ бўлиб бормоқда. Шу мақсадда “Ўзагролизинг” АЖ томонидан боғдорчилик-узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида лизинг асосида етказиб бериладиган техникалар сони ошиб бориб, турли техникалар улушида транспорт тракторлари ва минитракторлар 51 % ни эгаллайди (1-диаграмма).

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалик техникаларидан транспорт трактори 7 та мавжуд, талаб этилади 17 та, мини трактор 3 та мавжуд 11 та талаб этилади, пуркагичлар мавжуд эмас ва 4 та талаб

этилади, омочлар (2-3 корпусли) 2 та мавжуд 12 та талаб этилади. Истиқболда қишлоқ хўжалигида иш жараёнларининг механизациялашув даражаси ортиб бориши билан ҳайдов ва чопиқ тракторларига, чизел, плуг ва борона каби машиналар тизимида, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш комбайнларига ҳамда юк ташиш транспорти воситаларига талаб ортиб бораверади. Шунинг билан бирга боғдорчилик, сабзавот ва картошқачилик, балиқчилик, асаларичилик ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш ва қайта ишлашда қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги техникалари ва асбоб усканаларини республикамизда ишлаб чиқариб лизинг асосида етказиб беришни йўлга қўйиш лозим.


Давлат ва хусусий инвестициялар асосида лизинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини моддий-техника таъминотининг энг истиқболли методларидан бири ҳисобланади. Аммо



фаол ривожланаётган мамлакатимиз
иқтисодиётида ижтимоий эҳтиёжларнинг
ўсиши жараёнида қишлоқ хўжалигини

бюджетдан молиялаштириш имкониятлари
қисқариши сезилмоқда.

1-диаграмма



Юқорида юзага чиқарилган
омиллар қишлоқ хўжалиги
ривожланишининг ҳозирги босқичида

инвестиция жозибадорлигига ижобий
таъсир кўрсатади ва тармоқ ривожланиш
жараёнида хусусий капитал иштирокини
фаоллаштиришга имконият яратади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Шафқаров Ф. Агросаноат мажмуасида давлат-хусусий шерикчилиги. // Агроилм журнали. Махсус сон. - 2018. 94-96-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлатхусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон қарори. Тошкент. 2020. <https://lex.uz>.
3. Латышева А.И. Информационная инфраструктура инновационных агропроектов // ИТпортал. 2018. №1 (17). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/informatsionnayainfrastruktura-innovatsionnyh-agroproektov> (дата обращения: 10.08.2019).
4. www.mfer.uz – ЎзРес ташки иқтисодий фаолият расмий сайти